**«Яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш» мавзусини мустақил ўқиш учун қўлланма**

# МАСОФАВИЙ СЕМИНАР - ТРЕНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

Яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш» мавзусини масофавий семинар - тренинг Транспорт вазирлиги тизими ходимлари учун Автомобиль транспорти ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтининг www.masofa.avtoilm.uz ўқув порталида ташкил этилди.(1-расм)




**1-расм.**

Мазкур ўқув порталига компютерда интернет браузерлари ёрдамида кирилади. Бунда уч хил усулда кириш мумкин.

**Биринчи** компютернинг ишчи столида жойлашган Google chrome браузерини танлаш орқали, **иккинчи** масалалар панелидаги Google chrome белгисидан, **учунчи** пуск орқали все программы дан кириб Google chrome браузерини танлаб кириш мумкин (2-расм).




**2-расм.**

Манзил сатрига ўқув портал номи клавиатура ёрдамида ёзилади. Масалан, [www.masofa.avtoilm.uz](http://www.masofa.avtoilm.uz) ёзиб, (3-расм) ENTER тугмачаси босиш лозим, натижада компютер экранида ўқув порталининг бош саҳифаси очилади (4-расм). Бош саҳифада яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш» мавзуси рўйхати мавжуд.




**3-расм.**




**4-расм.**

Мазкур йўналиш танланиб устига босилади ва логин паролни қуйидаги саҳифанинг тегишли жойига ёзилади ва кириш тугмаси босилади (5-расм).




**5-расм.**

Натижада ушбу ойно очилади (6-расм). Ушбу ойнадан ўқув материалларини ўрганиш ва тегишли топшириқлар билан ишлаш имкониятига ега бўлади.




**6-расм.**

1. Яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш» мавзуси ҳақида қисқача маълумот.
2. Мавзуни ўрганишдан олдин тингловчига мавзу кириш ва мотивациясини ошириш мақсадида бериладиган саволлар.
3. Тингловчи мавзуни ўрганиши учун мавзуга оид ўқув материал жойлаштирилган бўлиб, ушбу материални ўрганиши ва унинг нусхасини ўзининг компютерига юклаб олиши мумкин.
4. Мавзу бўйича берилган ўқув материалларнинг мазмун–моҳиятини ўзлаштиргандан сўнг, ўз билимларининг мустаҳкамлаш мақсадида мавзуга оид тегишли якуний тест топшириқларни бажариш лозим.

Қуйида яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш» мавзусини белгиланган муддат оралиғида ўқув материалларини ўрганиш тегишли топишириқларни бажариш тартиби билан танишиб чиқамиз.

Ушбу ойнада мавзулар бўйича ўзлаштириш муддатлари белгиланган. (7-расм). Мазкур белгиланган муддатларда тингловчилар мавзуларни ўзлаштириши лозим.




**7-расм.**

## Мавзуга оид ўқув материалларни юклаб олиш жараёни

Ҳар бир мавзуни ўрганганингизни тасдиқлаш учун катакчалар ичига сичқончани чап тугмаси босилади (8-расм).




**8-расм.**

Берилган мавзу номининг устига курсорни олиб бориб сичқончанинг чап томони бир марта босилади. Натижада экраннинг пастки чап бурчагида мавзунинг ўқув материалини тўлиқ юклаш ойнаси кўрсатилади. Ушбу материлни тўлиқ очиш учун юкланган файлнинг “1- мавзу устига курсорни олиб бориб сичқонча чап томони бир марта босилади. Натижада материални тўлиқ ҳолатда PDF ёки Тақдимот варианти очилади.(9-расм)




## 9-расм.

Мавзуга доир саволларни йўллаш жойи (ФОРУМ) (10-расм).




## 10-расм.

## Мавзуга оид якуний назоратни бажариш

Мавзуга оид тушунчалар ўрганилиб чиқилгандан сўнг ушбу мавзуга доир якуний назорат тестини бажариш талаб етилади.

Якуний назорат тести 100 баллик системада 60 та саволдан иборат бўлиб, 56 балдан юқори тўплаган тингловчилар якуний назоратдан ўтган ҳисобланади.

Якуний назорат тести устига сичқонча чап тугмаси бир марта босилади. (11-расм).

Натижада қуйидаги ойна ҳосил бўлади (12-расм). Ҳосил бўлган ойнадан Начать тестирование тугмачаси босилади.




**11-расм.**




**12-расм.**

Натижада куйидаги ойна ҳосил бўлади. (13-расм) якуний назорат тестлари камида 60 тадан иборат бўлиб, мазкур тест топширикларни кетма-кет бажарилади ва тестни якунлаш учун "Кейингиси" Следующая страница тугмачаси босилади.



**13-расм.**

Барча тест топшириқларини бажариб бўлгач, сўровга кўра Отправить всё и завершить тест тугмаси кет-кетликни икки марта танланади.

Натижада тўплаган балингиз чиқади. Масофавий малака ошириш ўқув жараёнидаги билимларни янада мустаҳкамлаш учун берилган топшириқлар шу йўсинда давом еттирилади. Онлайн шаклда тингловчи ўзи истаган вақтда ва жойда ўрганиши мумкин.

# SOVG'ALAR VA ISH JARAYONIDA MEHMONDO'STLIK BELGILARI



Transport tizimi **xodimlariga** o'z xizmat majburiyatlarini bajarish bilan bog'liq holda jismoniy va yuridik shaxslardan biron-bir **sovg'a** yoki **naqd pul mablag'larini** qabul qilish **TAQIQLANADI**

Rasmiy delegatsiyalar tarkibida, rasmiy tadbirlarda, jumladan, xorijda olingan **har qanday sovg'alar summasidan qat'iy** nazar transport vazirligi va tashkilotlari **mulkiga o'tkaziladi**



Xodimlarning **shaxsi bilan** bog'liq bo'lgan bayramlarda sovg'alarni berish **ruxsat etilgan**. Bunda quyidagi talablarga rioya qilinish lozim:



sovg'alar kamida **3 nafar xodimlarni ishtirokida** berilishi



jarayon **tabrik nutqi** bilan birga bo'lishi, sabab bo'lgan **voqea aniq ifodalanishi**



sovg'aning umumiy **qiymati** BHMning **5** baravaridan **oshmasligi**



1 nafar xodimni boshqa xodimga sovg'a uchun **xarajatlari** 1 BHMdan **oshmasligi**



Boshqa davlat organlari xodimlari, kontragentlar, jismoniy va yuridik shaxslardan **har qanday bayram** bilan bog'liq **sovg'alar olish TAQIQLANADI**

TV nomidan xalqaro konferensiyalarda, simpoziumlarda va boshqa yig'ilishlarda **sovg'alar berish transport vaziri** yoki uning o'rinbosarlarining **buyrug'i** bilan amalga oshiriladi





Sovg'ani qabul qilishning qonuniyligi to'g'risida **shubha** tug'ilgan har qanday hollarda xodimlar vazirlikning **Komplaens nazorat xizmatiga** maslahat so'rab **murojaat qilishi lozim**